

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 20 май чоршанба

Сотувда эркин нархда № 100 (1881)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ


● *Муносабат*

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

**Маълумки, ўтган йил 20 майда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашиб, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳолининг барча қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ муҳим масалаларни кун тартибига қўйганди. Таъкидлаб айтиш керакки, ўтган бир йил ичида бу борада мамлакатимизда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди.**

— Эркин ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишни эзгу ният қилиб олган эканмиз, — деган эдилар Президентимиз мазкур учрашувда, — бу олий мақсадга эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга қаратилган. Айнан шу маънода халқимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, унинг ислоҳотлар ижрочиси сифатидаги фаоллигини ошириш, эзгу мақсадларимизни қалбдан тушунишга ва қўллаб-қувватлашга эришиш — бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Мамлакатимиз раҳбари учрашувда фуқароларимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун зарур бўлган устувор вазифаларга кўпчиликнинг эътиборини қаратган ва бу ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолишини қатъий таъкидлаган эдилар. Бунда инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар уйғунлигини таъминлаш ўта муҳимлиги қайд этилганди.

Учрашувдан кейин кўп ўтмай **«Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон адолатли демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этаётган Ўзбекистон учун аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган бўлиб, ҳуқуқий ислоҳотлар давлат миқёсида жамиятни янгилашнинг муҳим шартларидан бирига айланганлигининг далолатидир.

Бугунга келиб мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этилган «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази изчил фаолият кўрсатмоқда. Ҳуқуқшунослар малакасини ошириш маркази, шунингдек, Тошкент юридик институти қошида ҳуқуқий тарғибот маърифат маркази ишлаб турибди. Айни чоғда кейинги вақтларда фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар сезиларли даражада кучаймоқда. Кўплаб олий ўқув юртларининг ўқув дарсларига инсон ҳуқуқлари бўйича махсус курслар киритилди.

Сирасини айтганда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳамда институционал асослари мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ шакллантирилиб келинмоқда. Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман) тўғрисидаги Қонун МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ташкил топди. Олий Мажлис қошида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаол ҳаракат қилмоқда. Бугунга келиб Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кўппартияли тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа қатор нодавлат жамоат ташкилотларининг қарор топиши, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг эркин ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти.

Республика Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида **«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»** қабул қилинди. Эндиликда ушбу дастурни амалга ошириш ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда янги қадам бўлиши аниқ. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Бунинг боиси бор, албатта.

**Биринчидан**, ҳар қандай мамлакатнинг ривожи бу ердаги фуқароларнинг жамиятни ислоҳ қилишда бевосита иштирокига боғлиқ. Одамларимиз жамият ва давлат ҳаёти тақдирига бефарқ қарамасдан уни демократлаштириш жараёнларида фаол иштирок этсалар, биз истаган фуқаролик жамиятини барпо этиш мумкин бўлади. Бинобарин, бу ерда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг катта роль ўйнайди.

**Иккинчидан**, ўз ҳақ-ҳуқуқини мукаммал билган инсонгина ўз оиласи, фарзандлари, ватандошлари ҳақ-ҳуқуқини, қолаверса, Ватан мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир бўлади.

**Учинчидан**, Мустақиллик — улуғ бир ҳуқуқ эканлигини инобатга олсак, инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга эришган давлатнинг истиқболи порлоқ бўлиши тайин. Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик жамият қуришга интилаётган эканмиз, бу жараён узлуксиз, тадрижий тарзда ривожланиб боришини яхши тушунамиз. Биламизки, ҳатто жаҳонда ўта демократик, деб ҳисобланган ривожланган давлатларда ҳам демократик тамойилларни шакллантириш тўхтовсиз давом этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб қўяйлик: мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва умуман демократик принципларни жорий этишда бошқа давлатлардан тўлалигинча нусха олмаяпти, балки буюк аждодларимиз амал қилган шарқона миллий ҳамда маънавий қадриятларга, ўз йўли ва ривожланиш тамойилларига асосланмоқда. Айни чоғда мамлакатимиз умумэътироф этган жаҳон демократияси қоидаларига ҳам изчил риоя қилмоқда.

Йўлбошчимиз биз юқорида тилга олган, ўтган йил май ойидаги учрашувда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон, жамият ва давлат ўртасидаги узвийлик масаласига тўхталар эканлар, бир муқоясa келтирган эдилар: шамол бақувват илдизли дарахтнинг юқори қисмини кучли силкитади, ўрта қисми енгил силкинади, дарахт асосий танасига эса шамол таъсири сезилмайди. Худди шунингдек, агарки давлат миқёсида қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинса, бу ҳужжатлар тепадан ўрта бўғинга — жамиятга етиб келади, бундан жамият дарахт ўрта қисми сингари енгил силкинади. Бироқ, бу қонунлар, қарорлар учинчи асосий бўғин — оддий фуқароларга баъзан тўлалигича етиб бормайди.

Эндиги вазифа эса айнан шу уч субъектнинг узвий равишда тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашдир. Шундай қилсаккина, юртбошимиз таъкидлаганларидек, энг эзгу ниятимиз — ҳуқуқий демократик жамият қуриш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек, олийжаноб мақсадларимизга эришишимиз тайин.

**Аслиддин БОЛИЕВ.**





Бизнинг давримизда бировни нима биландир ҳайратлантириш осон эмас. Аммо Жиззах вилояти марказида троллейбус линияси иккинчи навбатининг тез фурсатда ишга туширилишидан, ҳарқалай, ҳайратланса арзийди.

Биринчи линия ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилган эди. 8 километрлик бу маршрут микротуманлардан бирини шаҳар маркази билан боғлайди. Иккинчи линия электр симлари эса троллейбусларни олти километрлик масофадан шаҳарга етаклаб келади.

**Суратларда: янги троллейбус ва янги линия.**
**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## КУН ТАРТИБИДА – САРМОЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ

**Республика Вазирлар Маҳкамасида давлат корхоналари негизида тузилган акциядорлик жамиятларига инвестицияларни жалб этишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.**

Семинар-кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги шу йил эълон қилинган Фармони ҳамда бу борадаги ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишларни атрофлича муҳокама этдилар.

Семинарда хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини дастлабки сотишда инвесторларни топиш ва улар маблағини жалб этиш, иқтисодиётимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни, айниқса, чет эл инвесторларини Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорига жалб қилишни жадаллаштириш, эмитентларга ахборот, аудит-маслаҳат ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ қатор масалалар юзасидан тажрибалар умумлаштирилди ва тегишли тавсиялар берилди.

Семинар қатнашчилари амалий ишда зарур бўладиган меъёрий ҳужжатлар ва кўргазмали қўлланмалар олдилар.

Семинар ишида Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноатсотиш”, “Ўздонмаҳсулот” уюшмалари раҳбарлари, “Пахтабанк”, “Ғаллабанк” акциядорлик тижорат банклари ва хусусийлаштирилган акциядорлик жамиятларининг раислари ҳамда бир қатор республика ва вилоятлар идора ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен нутқ сўзлади.

**(ЎзА)**

## МОЛИЯ-ИҚТИСОД ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланмоқда. Эскича қарашлар, эскича иш усуллари ўрнини янги, бозор иқтисодиётига асосланган бошқарув тизимлари эгаллаяпти. Бу эса ўз навбатида замон талабига жавоб берадиган ҳар томонлама билимли ва тадбиркор мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни тақозо этади. Тошкент Молия институтида республика молия-иқтисод тизимини такомиллаштиришга бағишланган ўқув-услубий конференцияда шу ҳақда гап борди.

Анжуманни Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Р. Холмуродов бошқарди. Тошкент молия институти ректори М. Шарифхўжаев, Тошкент иқтисодиёт университети ректори С. Ғуломов, республика Марказий банки бошқаруви раисининг ўринбосари А. Қодиров ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда молия, банк, солиқ тизимини такомиллаштириш, Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур асосида етук мутахассисларни тайёрлаш масалаларига тўхталдилар.

**(ЎзА)**

## “ЎЗБЕКИСТОННИНГ УСТЮРТ МИНТАҚАСИ НЕФТЬ-ГАЗ САЛОҲИЯТИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ” ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ТАБРИКНОМА

*Муҳтарам конференция иштирокчилари!*

*Сизларни меҳмондўст Ўзбекистон диёрида самимий қутлайман. Тошкентда ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида халқаро анжуманларни ўтказиб, уларда турли соҳалардаги амалий ҳамкорлик масалаларини манфаатдорлик билан муҳокама қилиш яхши анъана бўлиб қолди.*

*Юртимиздаги барқарор вазият ва тотувлик, республиканинг ер ости бойликлари, юксак илмий-техникавий салоҳият ва ишлаб чиқариш тажрибаси нефть ва газ тармоғини бундан буён ҳам жадал ривожлантириш, Ўзбекистоннинг энергетика соҳасидаги мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётнинг янги илғор тармоқларини ривожлантириш учун янги-янги имконият ва истиқболларни очиб бермоқда.*

*Мустақиллик йилларида инвестиция ва тузилмалар сиёсатининг амалга оширилиши тармоқни янгилаш, уни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлантириш, конларни ишга туширишни жадаллаштиришга, углеводородли хомашё қазиб олиш ҳажмини кўпайтиришга қаратилди.*

*Ўта қисқа муддат ичида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ конидаги ноёб газ компрессор станцияси ишга туширилди. АҚШ, Япониянинг йирик компаниялари ва халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта қуришга доир инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.*

*Ўзбекистонда инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий асос барпо этилгани, республиканинг устувор лойиҳаларига ётқизилган сармоя кафолати ва ҳимояси қонун билан таъминланганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.*

*Азиз дўстлар!*

*“Ўзбекистоннинг Устюрт минтақаси нефть-газ салоҳиятини ўзлаштириш истиқболлари” халқаро конференцияси ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашувини тезлаштиришга янги омил бахш этишига аминман.*

*Конференция иштирокчиларига ўз олдиларига қўйилган вазифаларни амалга оширишларида муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## Ишга солинмаган имконият кўп

Пойтахтдаги “Интерконтинентал” меҳмонхонасида савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Словакия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон билан Словакия ўртасида савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий алоқаларнинг бугунги аҳволи, истиқболдаги режалар, савдо ва сармояларни молиявий таъминлаш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, банк, сайёҳлик ва тиббиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Комиссия мажлисини Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари З. Исломов очди ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, республикамизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар ҳақида гапирди.

Словакия Республикаси иқтисод вазирининг ўринбосари Д. Гутян ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳар икки мамлакат учун ҳам бирдек манфаатли эканини таъкидлади.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон ва Словакия Республикаларининг иқтисодий ривожланиш суръатлари, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳақида атрофлича сўз борди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, ҳали тўла ишга солинмаган кўпгина имкониятлар мавжуд экани аён бўлади. Мажлисда шу фикр алоҳида таъкидланди. Айни пайтда мамлакатимизда словакиялик ҳамкорлар билан ташкил қилинган бир неча қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг Словакияга экспорти механик асбоб-ускуналар, ноорганик кимё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат. Словакия эса мамлакатимизга асосан тиббий техника ва дори-дармон, пойабзал ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади.

Мажлис иштирокчилари ўзаро алоқалар кўламини янада кенгайтириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди.

**(ЎзА)**



## Пиллакорлар зафар қучди

Усмон Юсупов тумани «Кумуш тола» ижодкорлари давлатга 17 минг 120 кг пилла топшириб, йиллик режани бажаришди, — деб хабар қилади тумандаги «Истиқболли йўл» газетаси муҳаррири Ҳамид Пиримқулов. — Туман пиллакорлари барча имкониятларни ҳисобга олиб, умумий хирмонни 20 минг килограммга етказишга аҳд қилишди.

Туман меҳнаткашларининг зафарига «Миришкор», «Денов» пайчилик хўжаликлари ҳамда «Янгиобод» ва Рўзимат Ғойибов номли хўжалик пиллакорлари катта улуш қўшдилар. Гулбиби Қориева, Авазхол Шодмонова, Гулнора Турсунова, Матлуба Тўхтаева, Ойсара Ғуломова, Гулхия Усмонова бошлиқ звеноларда ҳар қути ипак қуртидан 90-110 килограммгача хомашё олишга эришилди.

Туманда пилла териш ва топшириш давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**



ҒАЛЛА-98

## ДЕҲҚОНКИ ДОНА СОЧАР...

Минора солган — минора бўйи чуқур қазир. Деҳқон ҳам бир кафт буғдойни бир пуд қилгунига қадар не бир кунларни бошидан кечирмайди, кўнглига шубҳа-ю, гумонлар уя қурмайди, дейсиз. Кузнинг инжиқ кунларини, қишнинг қаҳратон ҳафталарини, баҳорнинг қуёшли сонияларини бармоқ букиб санайди у. Уруғи ниш отиб туп ёйганда ҳам тинчимайди. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак. Ўтоқ қилиб бўлиши билан ўғит ташишга киришади. Ўғит сепилгач, қулоқнинг бошига югуради. Бир текис унган майсаларга қараб бир қувонса, кўкдаги қора булутларга боқиб, ғазабланади: «Осмоннинг ҳам супраси очилиб қолди».

Сайхун бўйида яшовчи деҳқонлар билан суҳбатлашар эканман, уларнинг бу йилги хатти-ҳаракатларидан ана шундай безовталикни туйдим. Гарчанд буғдойзорлар серавж ўсаётган, сербошоқ бўлаётган эрсада, уларнинг кўнглида бир куйинчаклик, тилида бир калом зоҳир: «Даладагисимас, хирмондагиси ҳисоб».

Тил билан тикан тортиб бўлмас. Шунга қарамасдан мен ҳам кўпчилик қатори уларга тасалли бердим. Енгил шабадада оҳиста тебранаётган сербошоқ ғаллазорлар, насиб қилса, мўл ҳосил беражаклигини айтдим.

— Бизнинг чамамиз ҳам чакки эмас, — дейди Сирдарё туманидаги «Синдоробод» хўжалиги раиси Саидазим Синдоров. — Мавжуд 811 гектардаги ғаллазорларимиз уч марта сувдан чиқди. Маҳаллий ва минерал ўғитлар билан етарлича тўйинтирилди. Ёмғир сувларига қарамасдан, тўртинчи суғоришни ҳам бошлаб юбордик.

— Ғаллазорларнинг бўй-бастига қарағанда, дастлабки тараддуд кузда кўрилганга ўхшайди.

— Сентябрь ойидаёқ ерга уруғ тушди. Ноябрнинг бошларида экиш ишлари туғалланди.

— Қайси навдан экдингизлар?

— Бу йил «скифянка» сепилди, ўтган йили «юна» экилганди. Умуман, нав масаласи бўйича кўп гап бўлаяпти. Селекционерларимиз ҳам бир куни бизни тушунадиган пайтлар етиб келар. Негаки, ҳар бир касб эгаси ўз ишининг қадрига етиши керак. Бобомдан эшитганларим бор, лалми ердан 55 центнердан ғалла ҳосили олишган. Уруш йилларида бобом томорқасидан 50 қоп макка олади. 25 қопини ҳарбий комиссариятта топширади. Ўша йили қиш қаттиқ келиб, қаҳатчилик бошланган. Бир куни қўшниси бобомнинг олдига келади.

— Озроқ макка бериб турсангиз, болаларим оч қолди, мана пули.

Қўшничилик. Бобом пулини олмасдан, бир халта макка беради. Озроқ муддат ўтиб, у яна қайтиб келади ва тағин бир халта макка олиб кетади. Бир ой ўтгач, қўшни учинчи бор бобомнинг олдига макка сўраб келади. Шунда бобом ундан сўрайди.

— Берган маккаларимнинг қанчасини уруғликка олиб қўйдингиз?

— Опқўйганим йўқ. Ана есангиз гўшт, ана мой, лекин макка беринг.

— Сиз уруғнинг қадрига етмас экансиз, сиздан ҳеч қачон деҳқон чиқмайди.

Бобом шундай деб, ранжиб, қўшнини жўнатиб юборган эканлар.

Демоқчиманки, уруғнинг ҳам қадрига етиш керак. Ўтган йили «юна»ни ҳам кам деганда 80 центнердан ҳосил беради, дейишганди, афсуски эллик фоиз ҳам ҳосил ололмадик.

— Нега?

— Э, ука, деҳқончиликнинг билдими бўлмас экан. Ғаллазорларга боқиб қувонган эдик. Аммо оқ булут деган бир балоси келиб, бошоқларни уриб кетди.

— Оқ булут ҳақида мен ҳам деҳқонлардан эшитдим. Айтишларича, у бошоқлаган ғалланинг устки қисмини пуч қилиб ташлар экан. Аммо ота-боболаримиз табиат инжиқликларини табиий усуллар билан енгишган. Масалан, қаттиқ совуқ бўлса, токларни совуқ урмасин учун тутатқи тутатишган. Ёки ёнғоқ ҳосил бермаса, болта олиб чопиб ташлайман, деб унинг «кўзи»ни қўрқитишган. Натижада, у келгуси йили яхши ҳосил берган. Айни шу усулни мен грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг «Ҳазарула» ҳикоясида ҳам ўқиганман.

— Бу бор гап. Боболаримизнинг бу хилдаги усулларини мен ҳам эшитганман, ҳатто амалда кўрганман ҳам. Аммо оқ булут балоси ҳақида ҳеч эшитмаган эканман. Эҳтимол, бунинг ҳам бир чора-тадбири чиқиб қолар.

— Бу йил навнинг нотозалиги ҳақида ҳам гап бўлди. Айрим хўжалик ғаллазорларида бегона ўтлардан ташқари рапс, перко ўсимликлари ҳам пайдо бўлиб қолди, деган гаплар юрибди.

— Бизнинг ҳам 10-15 гектарлик майдонимизда перко униб чиққани рост. Чунки бизда ҳеч қачон перко экилмаган. Демак, уруғликка аралашиб қолган бўлиши мумкин. Аслида, унинг ўроққа ҳеч қандай таъсири йўқ, бироқ уруғи тушиб қолса, далани ифлослантириб юборади. Тўғри, биз далани тез фурсатда перкодан тозалаб ташладик. Бироқ таёқнинг иккинчи томони ҳам бор. Ишчи далада меҳнат қилгач, унга, албатта, иш ҳақи ёзилади. Иш ҳақи эса умумий таннархнинг ошишига сабаб бўлади. Ортиқча меҳнат, ортиқча харж ва пировард натижага салбий таъсир — ким ҳам хоҳлайди буни. Ҳозир бизда барча ғаллазорлар пудратчиларники. Айниқса, Қўчқор Рисбеков, Карим Чилибоев, Зокир Синдоров, Ғофир Ҳусанов, Пўлат Исаев каби пудратчилар йиғим-теримга ҳозирданоқ тайёр туришибди.

— Дарвоқе, ўтган ҳафтада Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик масаласига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими муовинлари, шу соҳа мутахассислари ўрим-йиғимни 25 иш кунида туғаллаш мумкинлиги ҳақида гапиришди.

— Насиб қилса, биз 5 июндан ўроққа тушамиз. Хўжалигимизда «списать» қилинган 2 та комбайн бор эди. Керакли эҳтиёт қисмлар сотиб олдик ва ҳар иккаласини тўла таъмирлаб чиқдик. Ҳозир улар «эгарланган отдай» турибди. Мана бу иккита шоли комбайнини эса, — у кўзи билан таъмирланаётган «Енисей»ларга имо қилди, — 20 майгача оёққа қўямиз. Тумандагилар битта «Кейс» ваъда қилишаяпти. Хомчўтларимиз бўйича, ўрим-йиғим 15 кунда туғалланади. Хирмонларимиз ҳам ғалла қабул қилиб олишга тайёр. Тарозилар стандартдан ўтказилиб, муҳрлаб қўйилган. Бизда айрим хўжаликларга ўхшаб, дон тўғридан-тўғри туманга топширилмайди. Ўзимизнинг дон тозалаш агрегатларимиз бор. Ғалла хирмоннинг ўзида сортланади, пуч буғдойлар, чиқиндилар хўжаликнинг ўзида қолади ва ем сифатида ишлатилади. Қолаверса, давлатга сифатли буғдой топширамиз. Комбайнчиларга этиклар тарқатилди, ўрим-йиғимни тўхтатмаслик учун уларга даланинг ўзида иссиқ овқат етказиб бериш ҳам ташкил қилинмоқда. Муҳими, ўша кунларга етиб олсак, бошоқни учириб қўймасак бўлди.

— Бошоқ учди, деганингиз нимаси?

— Ғалла пишгандан сўнг бошоқ қота бошлайди. Бошоқ ҳаддан ташқари қотиб кетса, мўрт бўлиб қолади. Комбайн сал тегиши билан бошоқ учиб кетади ва нобудгарчилик бошланади. Буни деҳқонларимиз яхши тушунади. Насиб қилса, бунга йўл қўймаймиз.

Сайхун соҳилларидан қайтар эканман, Мир Алишер бобомиз «Деҳқонки дона сочар, бу била ул эл ризқ йўлин очар» деганлари ёдимга тушди. Биз суҳбатлашган деҳқонлар, хўжалик мутахассисларининг бетиним меҳнати, елиб-югуришлари замирида элу юртимизнинг ризқ-насибаси ётибди. Ҳадемай у хирмон-хирмон бўлиб уйилади, кўзни яшнатиб, дилни қувонтиради. Келажаги порлоқ ҳур диёримизнинг иқтисодий таянчига, суянчига айланади.

**Эсиргап БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# Чет эл инвестициялари тўғрисида

**1-модда. Қонуннинг мақсад ва вазифалари**

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беради.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари:

чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашишдан;

чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишдан иборат.

**2-модда. Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Чет эл инвестициялари**

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Ушбу Қонунда тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар томонидан реинвестиция тариқасида қўшиладиган даромад деганда Ўзбекистон Республикасида инвестициялашдан олинган ҳар қандай маблағ, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва комиссион мукофотлар, техникавий ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ва бошқа шаклдаги мукофот пуллари тушунилади.

**4-модда. Чет эллик инвесторлар**

Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

**5-модда. Чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари**

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;

концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;

савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

Чет эл инвестициялари бирламчи ёки такроран амалга оширилаётган шаклларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб келмайди.

**6-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар**

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчиларидан бири ушбу Қонун 4-моддасининг иккинчи, учинчи ёки тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган чет эллик инвестор бўлиши шарт.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари чет эл инвестициялари иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**7-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.

**8-модда. Корхоналарнинг хўжалик бирлашмалари**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уюшмалар, концернлар, корпорациялар, консорциумлар ва бошқа хўжалик бирлашмалари ташкил этиши, амал қилиб турган бирлашмалар таркибига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириши мумкин.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари учун ҳуқуқий режим**

Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланади. Бундай режим Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгилаб қўйилган режимга қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг тегишли режимига қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида иқтисодиёт ва фаолиятнинг муайян соҳаларида чет эл инвестициялари учун чеклашлар ёки тақиқ назарда тутилган бўлиши мумкин.

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилганда уларни тиклаш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, шу жумладан халқаро шартномалари билан тартибга солинади.

**10-модда. Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари**

Чет эллик инвестор халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;

инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш;

инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш);

Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкий ҳуқуқлардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда товон олиш;

давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

**11-модда. Чет эллик инвесторларнинг мажбуриятлари**

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширганда:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашлари;

инвестициялаш муносабати билан ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бўйича жавоб беришлари;

инвестиция лойиҳаларида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган санитария-гигиена, экологияга оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хулосасини олишлари;

ўз рақобатчиларига нисбатан қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар олиш мақсадида инвестиция фаолияти бўйича шерикларига ёки давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бевосита ва (ёки) билвосита ноқонуний таъсир ўтказишнинг ҳар қандай шаклларидан ўзларини тийишлари шарт.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя этмаганлик учун умумий асосларда жавобгар бўлади ҳамда ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган ўзининг мол-мулки билан жавоб беради.

**12-модда. Чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолияти**

Чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолияти, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, уларнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва бошқа тузилмаларини, шунингдек хўжалик уюшмалари ва бирлашмаларини ташкил этиш, сотиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фондларини шакллантириш, ижара шартномалари ва бошқа шартномаларини тузиш бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқлар ва бошқа тўловларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланувчи ўз ходимлари учун ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот бўйича тўловларни амалга оширади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг чет эл валютасидаги барча харажатлари уларнинг ўз валюта тушумлари ҳисобига, шунингдек чет эл валютасини олишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида рухсат этилган бошқа манбалари ҳисобига таъминланиши лозим. Уларнинг валютада ўзини ўзи қоплаши тузиладиган консорциумлар, бирлашмалар ва бошқа ташкилий тузилмалар доирасида ҳам таъминланиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда экспорт-импорт операцияларини мустақил равишда амалга оширадилар. Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилганларида бундай маҳсулот лицензияланмайди ва квоталанмайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни лицензиясиз импорт қилишга ҳақли. Экспортга чиқариладиган ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотини ва корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган маҳсулотни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шунингдек чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмайди.

Чет эллик инвесторларга ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга тегишли, уларнинг инвестициялари сифатида қўшиладиган ихтироларни патентлаш ва саноат намуналарини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар корхона фондлари рўйхатини, уларни вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш тартибини мустақил равишда белгилайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ходимларининг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ходимларини ижтимоий суғурта қилиш ва ижтимоий таъминлаш (чет эллик ходимларни ижтимоий суғурта қилиш ва таъминлаш бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкалари сотиб олишлари мумкин.

Иморатлар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқага ўтаётганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда шу объектлар билан биргаликда ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Чет эллик инвесторларга мол-мулкни ижарага бериб қўйиш ижарага берувчи томонидан шартномалар асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни ва ҳисоботни амалга оширадилар. Улар бухгалтерия дафтарлари ва ёзувларини Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, шунингдек, ўз хоҳишларига кўра, эркин айрбошланадиган валютада юритадилар.

**13-модда. Концессия шартномалари**

Чет эллик инвесторларга табиий ресурсларни қидириш, қазиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини юритиш учун концессиялар бериш чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузадиган концессия шартномалари асосида амалга оширилади.

Концессияларга, агар улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бўлса ва тузиладиган концессия шартномаларининг мақсадларига жавоб берса, фаолиятнинг барча соҳалари ва турларида йўл қўйилади.

**14-модда. Чет эллик ходимларни жалб этиш**

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳар қандай чет давлат фуқаролари билан ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар билан инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида эркин меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Бундай шахслар тегишли кўп марталик визалар олган ҳолда меҳнат шартномасининг бутун амал қилиш даври учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш ва унда қолиш ҳуқуқига эга.

Чет эллик ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга таътиллар бериш, уларни пенсия билан таъминлаш масалалари уларнинг ҳар бири билан тузилган меҳнат шартномаларида ҳал этилиши лозим. Бундай ходимлар иш ҳақи ва қонуний йўл билан олган ўзга даромадларини бошқа давлатларга, қонунда белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан кейин, бирон-бир чекловсиз ўтказишлари мумкин.

Чет эллик инвестор, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона чет эллик ходим доимий яшайдиган мамлакатдаги тегишли фондларга шу ходим учун ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот тўловларини ўтказади.

**15-модда. Юриш эркинлиги**

Инвестиция фаолияти билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эллик инвесторлар, уларнинг вакиллари ва чет эллик ходимлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин юриш ҳуқуқига эгадирлар.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида эркин юришга чекловлар белгиланган бўлса, фақат миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадларини кўзлаб муайян чекловлар қўлланилиши мумкин.

**16-модда. Чет эл инвестицияларини суғурта қилиш**

Инвестициялар ва чет эллик инвесторларнинг таваккалчилигини суғурта қилиш ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Чет эллик инвесторлар мамлакатнинг ўз инвесторлари билан тенг равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ташкилотида суғурта ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланадилар. Чет эл инвестицияларини сиёсий ва бошқа хавфлардан суғурта қилиш халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг экспорт кредит агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Чет эл инвестицияларини суғурта қилишни амалга оширувчи суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат суғурта ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Чет эл инвестицияларини суғурта қилиш сиёсий ва бошқа хавфлардан, шу жумладан:

мулкнинг экспроприация қилинишини, шунингдек, мулкнинг олиб қўйилиши ёки бошқа шахсга ўтказилишига, мулк ёки у орқали олинадиган даромадлар устидан назорат қилиш имконияти йўқотилишига олиб келувчи ҳар қандай қонун чиқаришга оид ёки маъмурий чораларни;

чет эл валютасини мамлакатдан ташқарига ўтказишга чекловлар жорий этилишини;

қонун ҳужжатларига инвесторларнинг айрим гуруҳларига нисбатан камситиш тусидаги ўзгартишлар киритилишини;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахсларининг инвесторларнинг шартномавий муносабатларига аралашувини;

урушлар, фуқароларнинг ғалаёнлари ёки бошқа шу каби ҳодисаларни;

чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари билан боғлиқ ўзга турдаги сиёсий ҳамда бошқа хавфларни ўз ичига олувчи хавфлардан суғурта ҳимояси ва кафолатларни таъминлайди.

**17-модда. Мажбуриятларни таъминлаш**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг мол-мулки ва мулкий ҳуқуқларидан корхона зиммасидаги барча турдаги мажбуриятларини таъминлаш, шу жумладан заём маблағларини жалб қилиш кафолати сифатида фойдаланиши мумкин. Унинг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига, шунингдек жойлашган ер участкалари билан биргаликда уй-жой биноларига бўлган мулк ҳуқуқи, бинолар, иншоотлар, ускуналарга бўлган мулкий ҳуқуқлари ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқларидан мажбуриятларнинг таъмини сифатида фойдаланилиши мумкин.

Чет эллик инвестор ўзига мулк ҳуқуқида тегишли барча мол-мулки ва мулкий ҳуқуқларидан, уларнинг қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, ўз мажбуриятларининг таъмини сифатида фойдаланиши мумкин.

**18-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олинган санадан эътиборан бир йил ичида белгиланган тартибда ўз устав фондини таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда ҳосил қила олмаган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ташкил қилинмаган деб ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона тугатилганида унинг активларига белгиланган тартибда солиқ солинади. Активларнинг қолган қисми, башарти таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчилари ўртасида уларнинг корхона мол-мулкидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Чет эллик инвестор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонадан чиқиб кетган ёки бу корхона тугатилган тақдирда, корхона мол-мулкидаги ўз улуши пул ёки бозор баҳосига мувофиқ равишда товар шаклида қайтарилиши ҳуқуқини олади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қайта ташкил этилган ёки тугатилганда меҳнат шартномалари бекор бўлган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ кафолатланади.

**19-модда. Чет эл инвестициялари бўйича давлат мажбуриятлари**

Давлат, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чет эл инвесторлари билан тузилган тегишли шартномаларда ўз зиммасига олган, ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган шахслар имзолаган мажбуриятлар бўйичагина жавоб берадилар.

Давлат чет эл инвестицияларини жалб этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, бундай мажбуриятлар қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан кафолатланган ҳоллар бундан мустасно.

**20-модда. Чет эл инвестицияларини жалб этишни амалга оширувчи органларнинг вазифалари**

Чет эл инвестицияларини жалб этиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш мақсадида ҳукумат томонидан ваколат берилган орган, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ҳукуматга қарашли бўлмаган манфаатдор ташкилотлар:

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида ахборот тайёрлайдилар ҳамда тарқатадилар;

потенциал инвесторларга фаолиятнинг юридик, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари бўйича маслаҳатлар берадилар ҳамда юзага келувчи масалаларни ҳал этишда зарур ёрдам кўрсатадилар;

чет эллик инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқадилар;

чет эл инвестициялари масалалари бўйича халқаро муносабатларда ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўрадилар;

чет эл инвестицияларини жалб этиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга қаратилган бошқа вазифаларни бажарадилар.

**21-модда. Чет эллик инвесторларнинг фаолияти устидан назорат қилиш бўйича давлат органларининг ваколатлари**

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши устидан назоратни солиқ органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколат берган бошқа давлат органлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Назорат қилувчи орган назорат вазифаларини амалга оширишда тижорат сири сақланишини таъминлаши шарт. Тижорат сирини ошкор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан таъқиб қилинади.

**22-модда. Ўзаро зид қоидалар**

Мазкур Қонуннинг қоидалари билан Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ўртасида бирон-бир номувофиқлик бўлган ҳолда, чет эллик инвесторлар учун бирмунча қулай бўлган қоидалар устувор кучга эга бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 30 апрель.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

## «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қараб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, №5, 128-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994 йил, № 11-12, 285-модда) XXI бўлими;

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда) VI бўлими;

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда) IX бўлими.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 30 апрель.

